

О'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Jomboy tumani
НОКИМИ
ҚАРОРИ



РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
Джамбайского района
Самаркандской области
Республики Узбекистан

2020 yil « 16 » июль

№ 504-к

Jomboy t.

«Ахмаджон Мирон барака файз» фермер хўжалигининг 3,0 гектар сувли экин ер майдонида интенсив боғзор барпо этишга рухсат бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосланиб, «Ахмаджон Мирон барака файз» фермер хўжалиги раҳбарининг “Фермер хўжалигига қарашли ер майдонидан интенсив боғзор барпо этишга рухсат бериш тўғрисида”ги аризасини, ишчи гуруҳининг 3,0 гектар интенсив боғзор барпо этиш учун ўрганиб чиқиш тўғрисидаги далолатномасини ҳамда Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг баёнини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. «Ахмаджон Мирон барака файз» фермер хўжалиги раҳбарининг “Фермер хўжалигига қарашли ер майдонидан интенсив боғзор барпо этишга рухсат бериш тўғрисида”ги аризаси қаноатлантирилсин, ишчи гуруҳининг далолатномаси ҳамда Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссиясининг баёни тасдиқлансин.

2. «Ахмаджон Мирон барака файз» фермер хўжалигига интенсив боғзор барпо этиш учун Дустлик массиви худудида жойлашган 249-контурдаги жами 3,0 гектар сувли экин ер майдонидан рухсат берилсин.

3. Белгилансинки, ушбу қарор вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқлангандан сўнг 3,0 гектар сувли экин ер майдонига ўзгартириш қиритилиши ва кўп йиллик дарахтзорлар тоифасига ўтказилиши белгилансин.

4. Ушбу қарорни тасдиқлаш вилоят ҳокимидан сўралсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Икромов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Қ.Собиров